

Темурийлар давридаги адабиёт ва тасаввуфнинг йирик вакилларида бири Косими Анвардир. Шуни алохида таъкидлаш лозимки, шоирнинг дунёкараши ўз даври ва ўзидан кейинги илм-фан ва тасаввуфнинг йирик намояндalари Баховуддин Накшбанд, Садриддин Йаминий, Улугбек, Неъматулла Вали, Нуритдин Кирманий, Абдурахмон Жомий ва Навоийларнинг таълимотлари билан гоъвий жихатдан якин туради. Айникса, Алишер Навоий ўзининг "Мажолис ун-нафоис" тазкирасида шоир ижоди хақида кенг тўхталиб, шеърларидан намуналар келтиради.

Уни замонасининг иктидорли шоирлари каторига кўшади: "Равишлари пок эрди ва нафаслари оташнок - деб хабар беради Алишер Навоий Косими Анвар хақида - Эл багоят алар назмларига мойил ва шеърларин ўкумок ва битмакка роғиб бўлдилар".

Алишер Навоийнинг "Мажолис ун-нафоис" ва бошка манбаларда келтирилишича, Косими Анвар ёшлигидан Садриддин Ардабийга мурид бўлиб, сўфийлик тарикатини мукамал эгаллайди. 1426 йили Хиротнинг масжидида Шохрухга карши фитна уюштирилади. хуруфийлар окимига мансуб бўлган Ахмад Лур деган шахс Шохрухга пичок уриб, уни ярадор қилади. Шу ернинг ўзидаёқ Ахмад Лур ўлдирилади. Юкоридаги воқеа туфайли Косими Анвар хуруфийлар билан якин алоқада бўлганликда ва фитнада кўли борлигида айбланиб Хиротдан Самарқандга сургун қилинади. Самарқандни бошқариб турган Улугбек уни яхши кутиб олади.

Ўша даврда Озарбайжон, Туркия, Ирок, Сурия ва Шаркнинг бошка мамлакатларида хуруфийлик окими кенг тарқалган бўлиб, бу ОКИМ Марказий Осиё ва Хуросанда, айникса, Самарқанд ва Хиротда оз бўлсада мавжуд эди. Хуруфийлик окими харфларни илохийлаштириб, кишиларни объектив дунё, харфлар ва худони идрок қилишга чакирадилар. Бу эса бошкаларнинг фикрича, динни обрўсини туширар эди. Хуруфийлар шахар камбагаллари ва хунармандларининг манфаатини химоя қилиб, зўравонлик, жабр-зулм, зодагонларнинг ўзбошимчалигига карши кураш олиб бордилар.

Марказий Осиё ва Хуросонда бу оким тарафдорлари, гарчи улар кўпчиликни ташқил этсада, хокимият учун зимдан кураш олиб бор-дилар, хар хил фитна ва галаёнлар уюштириб турганликлари боис Темурийлар, айникса, Шохрух ва бошка хокимлар хуруфийлик ОКИМИ тарафдорларини таъқиб остига олганлар. Косими Анвар ижоди ва дунёкарашини тадқиқ этган олимларнинг аксарияти, шу жумладан, Е. Браун, З. А. Кулизода ва бошкалар хуруфийлик окими шоир ижодига таъсир кўрсатган бўлса-да, уни тасаввуф окимининг йирик вакили, деб ҳисоблайдилар. Дархақиқат, Косими Анварнинг қолдирган адабий ва илмий мероси ана шундан далолат беради.

Косими Анвар асарларининг анчагина қисми бизгача етиб келган. Унинг "Девон"и кўлёмалари Санкт-Петербургда, Гуржистонда, шунингдек, Самарқандда ва бошка йирик илм марказларида сақланмоқда. 1958 йили Техронда унинг "Куллиёти" Саид Нафисий томонидан чоп этилган.

Мутафаккирнинг "Анис ул-ошикин" ("Ошиқлар дўсти") маснавийси ("Анис ул-орифин" ҳам

деб юритилади), "Сад маком дар истилохи суфия" ("Тасаввуф атамаларида юз маком"), "Рисолайи адади макомот" ("Макомларнинг сони хакида рисола"), "Рисола дар баёни илм" ("Билим хакида рисола"), "Савол ва жавоб" рисоласи ва бошка асарлари мавжуд.

Унинг таълимотида Аллох хамма нарсанинг ибтидоси ва биринчи сабаби, деб талкин этилади. Аллох дунёдаги хамма нарсаларда намоён бўлади, улар бир-бирига кўшилиб кетади. Косими Анвар инсонни мавжудотларнинг аълоси, унга бу дунё ва охиратнинг султони бўлишни Аллохнинг ўзи ато этган, деб айтади. "Туйи султони жовидон, туйи мақсад, туйи аксо" ("Сен мангу султонсан, сен мақсадсан, сен узокдаги уфксан"), - дейди у инсон хакида.

Маълумки, тасаввуф окимида ахлокий масалаларига кенг ўрин берилади. Косими Анвар хам ўзининг тасаввуфий карашларида, инсон, борлик ва Аллохнинг бирлигини асослашда ижтимоий муаммолар, ахлоқ ва хулқ-одобга катта эътибор беради. Инсоннинг Аллохга якинлашуви поклянишсиз, ахлокий камолотга эришмасдан ошиши мумкин эмас. Инсон ўзини канчалик ўрганса, идрок килса, шунчалик ахлоқан покляниб боради. Аллохга якинлашиш йўлида олга кадам босади. Шу муносабат билан у жохилликни каттик коралайди, зероки у ахлокий покляниш ва ўз-ўзини билишга халакит беради. Инсон яхши ва хайрли ишлар киладими, ёвузлик ва адолатсизлик билан шугулладими, биринчи ўринда, ўзи сабабчи бўлади. "Ник ва бад гар микўни, бохуд кўни" (Яхшилик ва ёмонлик килсанг, ўзингга киласан), - деб хисоблайди шоир.

Косими Анварнинг ижодида ижтимоий масалалар хам у ёки бу даражада инъикосини топган. Замонасидан зорланиш, мавжуд жамиятдан норозилик, хукмрон синф вакилларининг адолатсизлиги, жабр-зулм ва нохаксизликларини коралаш мутафаккир ижтимоий карашларида маълум ўрин эгаллайди. У ёлгончилик, фирибгарлик, иккиюзламачиликни коралайди, зоҳидларнинг ярамас одатларини танкид килади. Жамиятдаги салбий иллатларнинг йўқотиш йўлларини топа олмаган шоир, бир кун вакти келиб бу дунёда адолат ва хакикат ўрнатилишига умид боглайди.

Хуллас, Косими Анварнинг ижодий меросини ўрганиш шундан далолат берадики, у Темурийлар даврининг йирик мутафаккири, шоири бўлган ва ўша давр маънавий тараккиётига салмокли хисса кўшган.